



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 6 май, шанба №65 (897)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЁДГА ТУШСА ЎША КУНЛАР

Кушлар сайрашдан тўхтасин бир зум, Залворли булутлар қовогин очсин. Гунчалар хандадан қилсин табассум, Куйёш интиқликдан нурини сочсин. ...Ёдга тушса ўша кунлар, бобожон, Зирқираб кетади ҳар бир тирик жон.

Йиллар-ку ўтмоқда, асрлар ўтар, Шахидлар ҳоқи ҳам тўлганиб ётар, Ёстиги қуриган миллионлаб зотни, Куйёш ҳам эслайди, қон бўлиб ботар. ... Ёдга тушса ўша кунлар, бобожон, Зирқираб кетади ҳар бир тирик жон.

Кул бўлиб соврилган ўрмонлар ҳақи, Инграган заминнинг оху фарёди, Ватан деб жонини тиккан алпларнинг Осмонга ўрлаган фиғони, доди. ... Ёдга тушса ўша кунлар, бобожон, Зирқираб кетади ҳар бир тирик жон.

Асорат, жароҳат, мажруҳ, майиблик — Юраклар қатини кемириб яшар. Тарих-ку кечирмас, замин кечирмас, Урушни лаънатлар, лаънатлар башар. ... Ёдга тушса ўша кунлар, бобожон, Зирқираб кетади ҳар бир тирик жон.

Тангри таолонинг ўзи асрасин, Қурбонлар руҳини шоҳиста қилиб, Ер юзи яшнасин, бўлмасин уруш, Ҳеч инсон ўлмасин юракни тилиб. ... Ёдга тушса ўша кунлар, бобожон, Зирқираб кетади ҳар бир тирик жон.

Келинг, сукут сақланг, шахидлар учун — Бош эгиб турайлик, қилайлик таъзим, Юрт учун, эл учун жонини тикканлар — Дунёдек абадий, дунёдек азим. ... Ёдга тушса ўша кунлар, бобожон, Зирқираб кетади ҳар бир тирик жон.

У кунлар ҳеч қачон қайтмасин энди, Дуога қўл очинг, уруш кўрганлар — Утмиш аждодларнинг арвоҳи қўллаб, Боқий умр кўрсин бугун турганлар. ... Ёдга тушса ўша кунлар, бобожон, Зирқираб кетади ҳар бир тирик жон.

Мустақил юртимиз дориломонда, Кун сайин яшнасин ва топсин сайқал, Жангу жангоҳларни энди кўрмайлик, Тириклик рамзига қўяйлик ҳайқал. ... Ёдга тушса ўша кунлар, бобожон, Зирқираб кетади ҳар бир тирик жон.

Хусанжон АМИН-ҒУЗОРИЙ

Фармон ва ижро

ЭПИДЕМИОЛОГИК БАҲҚАРОРЛИКДА ГАП КЎП

— Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётида санитария-эпидемиологик вазият баҳқарорлиги муҳим ўрин тутди. Чунки санитария-эпидемиологик жихатдан баҳқарорликка эришмаган ҳудудга чет эл инвестицияларининг кириб келиши бир мунча мураккаб кечади. — деди Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат Санитария-эпидемиология назорати Департаменти бошлиғи Нурмат ОТАБЕКОВ «Туркистон-пресс» мухбирига.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 мартдаги «Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда худди шу йили эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қароридан санитария-эпидемиология назорати хизматининг қонуний фаолиятига тўққинлик қилувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатнинг қатъиян ман этилиши кўрсатиб ўтилган. Давлат санитария назорати томонидан 1998-99 йилларда жами 2 миллион 400 минг килограммдан зиёд озиқ-овқат маҳсулотлари фойдаланишга яроқсиз деб топилди, йўқ қилинди. Хориждан келтирилган муайян миқдордаги истеъмол моллари ушлаб қолиниб, аҳоли сифатсиз маҳсулотларни истеъмол қилишининг олди олинди. Четдан келтирилаётган маҳсулотларни текширишда Давлат стандарт томонидан аттестация ва аккредитациядан ўтган санитария-эпидемиология назорати Марказлари лабораторияларининг аҳамияти каттадир. 1999 йилда Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан қонун талабларини бузган шахсларга нисбатан 127 миллион сўмлик, 2000 йилнинг биринчи чорагида эса 54 миллион сўмдан ортиқроқ миқдорда жарима солинди.

1992-93 йилларда юқумли касалликларнинг четдан кириб келиш ҳоллари анча юқори эди. Республика раҳбарияти, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат санитария назорати тизими томонидан ўз вақтида кўрилган чоралар натижасида уларнинг тарқалишига йўл қўйилмади. Булардан ташқари, бошқарилувчи юқумли касалликлар номи билан юритиладиган шундай касалликлар борки, режали эмлаш натижасида уларнинг сонини кескин камайтириш имконига эгами. Шу хилдаги бўлма, қоқшол, кўйкўтал, кизамик, тепки ва шол каби юқумли касалликларга қарши болалар ва катталар ўз вақтида эмланадилар. Аҳолини эмлаш даражаси 90 фоиздан паст бўлса, бу ҳали хавф мавжуд дегани. Биз доимо бу миқдорнинг 90 фоиздан юқори бўлишига ҳаракат қиламиз. Хусусан, 1994 йилдан бери 4 ёшгача бўлган болалар ўртасида йилга икки марта шолга қарши оммавий эмлаш ташкил этилди. Натижада республикада кейинги беш йил ичида бу дардга чалинган биронта ҳам бемор қайд этилмади. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти ва унинг ҳудудий бюроси томонидан Ўзбекистоннинг бу борадаги муваффақиятлари эътироф этилди. Юқорида келтирилган рақамлар Давлат санитария назорати томонидан жуда кўп ишлар амалга оширилиши лозимлигини кўрсатади.

9 Май — Хотира ва Қадрлаш куни

УЛАР БИЗНИНГ БАХТИМИЗ

Иккинчи жаҳон уруши оловининг сўнганига ҳам 55 йил тўлди. Аммо унинг қалбларда қолдирган асоратлари асло унутилмайди. Аксинча, йиллар ўтган сайин дилларга оғриқлар солаверади. Чунки йил сайин биз урушдан омон қайтганларни ҳам йўқотиб бораёلمиз.

Шунинг учун ҳам инсониятни фашизм балосидан сақлаб қолган Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган барча фахрийларга ҳурмат, иззат-иқром кўрсатиш бугунги авлоднинг бурчи ва вазифасидир. Фашизм устидан қозонилган Ғалабага ҳисса қўшган, жангоҳларда қолиб кетган, уруш асоратларидан азият чекканларни хотирлаш, уларнинг ҳурмати жойига қўйиш бугун ҳар биримизнинг қалб амримизга айланган.



110 минг аҳолига хизмат кўрсатадиган ва 65 та савдо дўкони мавжуд бўлган Паркент матлубот ҳиссадорлик жамияти бошқаруви ҳам уруш ва меҳнат, фахрийларига юқори савиядаги савдо ва умумий овқатланиш

хизмати кўрсатувчи алоҳида дўконларга эга. Хусусан, 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни, умумхалқ байрамини кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида ҳиссадорлик жамияти махсус тадбирлар режасини ишлаб чиққан. Унга кўра, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига моддий ёрдам кўрсатилиб, қимматбахо совғалар улашилади. Тизимда фаолият кўрсатаётган ва шу соҳада ишлаб хозирда кексалик ёки ноғиронлик нафақасида бўлган уруш қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилганлар шарафига байрам куни дастурхон ёзилиб, уларнинг фидоикорона меҳнатлари ва қайтарилмас жасоратлари тақдирланади.

МЕҲР— ОҒУШИДА

Бундан ташқари 10 нафар ноғирон ва якка-ёлғизлар ҳомий ташкилотлар томонидан оталиққа олинган бўлиб, уларнинг уй-жойлари бекуп таъмирланмоқда, турли байрам ва тадбирлар муносабати билан моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда. Яқинда уруш ноғиронларидан бир гуруҳи Имомал Бухорий зиёратгоҳида бўлиб қайтишди.

Акмал АЛЛАМУРОДОВ.



«ЙИЛ ТАРБИЯЧИСИ» ТАНЛОВИ

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги таълим маркази томонидан «Йил тарбиячиси — 2000» танлови ўтказилди. Соғлом авлод йилида бўлиб ўтган мазкур танловда янги педагогик технологиялардан ўз ичимизда фойдаланиш, ижодий қобилият, очик дарс ўтиш ва тест синовлари бўйича ўз билимларининг намоиши эдики, — деди республика танлови ғолиби, Туртқул туманидаги 1-болалар боғчасининг тарбиячиси Ойдин Болтаева. Баркамол авлоднинг тарбиялашда биз бочга мураббийлари ўртасида ўтказилаётган бундай танловларнинг аҳамияти катта бўлиши шубҳасиз.

Иқтисодий ислохотнинг изчил жорий этилиши янада омилиқ билан иш юритишнинг талаб қилади. Чунки илғор технологиянинг барча соҳаларга дадил кириб келиши, етуқ тажриба ва муайян кўникмага эга бўлган мутахассисларга эҳтиёжнинг ортиши натижасида табиий равишда иш ўринлари қисқаради. Бинобарин, одамларни иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари ташкил қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир. Бу юмушларни бажариш асосан меҳнат бўлимлари зиммасига тушади. Мухбиримиз Богдод туман меҳнат, иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Р.Усмонов билан суҳбатлашди:

— Утган йил давомида мурожаат қилган 2043 нафар кишининг 1389 нафари иш билан таъминланди. 144 нафар фуқаро турли касбларга қайта ўқитишга, 97 нафари эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилди. 6 нафар фуқаро мурдатидан илгари пенсияга чиқарилиб, 234 кишига ишсизлик нафақаси тайинланди.

Корхоналарга, бандлаб қўйилган (квоталаштирилган) ўринларга ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳнат бозоридан рақобатлаша оладиган фуқаролардан 277 нафари тавсия этилди. Улар асосан кўп болали ота-оналар, ёш мутахассислар, ноғиронлар, жазони ўташ жойларидан озод қилинганлар, ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлардан иборат.

Вояга етмаган ўсмирлар мурожаатига алоҳида аҳамият бериб келинапти. Бўлимда иш олиб бораётган махсус комиссия кўмағида вояга етмаганларнинг бир қанчаси қайта ўқишга юборилди. Улар хусусан, Богдод те-

Бандлик дастури амалда

Жумладан, А.Исоқов номили фермер хўжалигига 1600000 сўм миқдорда кредит бериш орқали 20 та иш ўрни (шундан 10 таси аёллар учун) ташкил қилинди. Туман меҳнат бўлими жамғармасидан янги иш жойларини яратиш мақсадида хусусий корхоналар билан яқиндан алоқа ўрнатиб келинмоқда. Ёшлар ишлаш ва малака ошириш келишлари учун хорижий мамлакатларга ҳам юборилмоқда. Утган

Янги иш ўринлари

воб берди: — Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар, касб касалига чалинишларнинг олдини олиш юзасидан доимий назорат ўрнатилган. Меҳнат муҳофазаси бўйича тегишли тадбирлар амалга ошириляпти. Бироқ шунга қарамай, ўтган йили 27 та корхона, ташкилот ва жамоа хўжалиқларида ўтказилган текширишлар бу борада ҳали камчилик ва нуқсонлар кўпчилигини кўрсатди.

Янги иш ўринлари

Масалан, Охунбобоев номили, «Дўстлик», «Богдод», Э.Усмоновжаев номили, «Мирзаобод» ширкат хўжалиқларида ва бош пиллаҳонада ишчи ва ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитилмай, намунавий Низом талабларини бажаришга панжа орасидан қаралмоқда.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида барча ҳужжатларни тўри юритиш ҳам асосий масалалардан. Бу борада қонун талаблари асосида иш юритаётган корхона, ташкилот ва муассасалар анча. Лекин уларда ҳам ишчи ва ходимлар ўқитилмапти, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси бўйича йўл-йўриқлар етарли даражада берилмаётти. Уқув машғулотлари хонаси нефть маҳсулотлари базаси, парранда маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти, туман халқ таълими бўлимида

ташкил этилмаган. Туман автомобил йўллари бошқармасида бийонидек бешзатилган ўқув хонаси бўлса-да, яқин орада ўқув ўтказилганиги сезилмайди. Оқибати бахтсиз ҳодисалар бўлишига олиб келган бепарволикка йўл қўйган туман автомобил йўллари бошқармаси ва парранда маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти раҳбар ходимларидан 15750 сўм жарима ундирилди.

Эътироф этиш жоизки, Меҳнат бўлими жорий йилда бирмунча ютуқларни қўлга киритди. Мурожаат қилиб келган 814 нафар фуқаронинг 508 нафари иш билан таъминланди. 34 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига, 102 нафари турли касбларга қайта ўқишга юборилди, 97 нафарига эса ишсизлик нафақаси тайинланди. Туман бўйича иқтисодийнинг муқо-била турлари хусусий корхона, хусусий фирмалар, фермер хўжалиқлари, кичик корхоналар ҳисобидан мингдан зиёд янги иш жойлари ташкил қилинди. Истиқбол режалари асосан сўда берилиши ҳисобига янги иш ўринлари ташкил қилиш йўлга қўйилди. Ўйлашимизки, бу сайёҳ-харакатларимиз ҳам тез орада ўз ижобий натижасини беради.

Кўқондаги Супермаркет акциядорлик жамияти қишлоқ хўжалиги учун ниҳоятда зарур бўлган турли минерал ўғитлар ишлаб чиқаради. Бу ерда ҳар йили 200 минг тоннадан зиёд ўғит деҳқонларга етказиб берилади.

Жамиятда имкониятлардан келиб чиқиб халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Теридан тайёрланаётган маҳсулотлар шулар жумласидандир. Бунда ушбу жамиятда яқин 30 йилдан бери меҳнат қилаётган ихтирочи ва ташаббускор муҳандис Махсудали Эргашев (суратда чапдан биринчи)нинг хизматлари катта бўлмоқда.

Бахтиёр ХАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ЕВРОПА КУБОГИ ҒОЛИБЛАРИ

Будапештда каратэ бўйича Европа кубоги мусобақалари ақунланди. Унда 30 та давлат клублари қаторида Европа каратэ федерациясининг махсус таклифига кўра Осие мамлакатларидан бири — Ўзбекистон жамоаси ҳам иштирок этди. Ўзбекистонлик спортчилар 7 та олтин 2 та кумуш ва 6 та бронза медалини қўлга киритиб, европалик мухлислар эътиборини қозонди. Шахсий ҳисобда Ширин Абдуҳакимова, Аъзам Абдумавлонов, Отабек Қосимов олтин медалларга сазовор бўлишди. Ўзбекистонлик спортчилар бундан ташқари куми-

тэ-спарринг ҳамда ката-махсус машқларда кўрсатган натижалари учун ҳам олтин медаллар билан тақдирланди. Парвиз Абдумавлонов, шунингдек, кумитэда кўрсатган яхши натижалари учун 15 ёшдан 17 ёшгача бўлган каратэчиларимиз командаси кумуш медалларга сазовор бўлди. Азиз Топшўлатов, Сарвар Исмоилов, Илхом Каримов, Отабек Қосимов ва Азамат Қаландаров бронза медалларни қўлга киритди. Эрақлар жамоаси махсус машқлар учун битта бронза медалга сазовор бўлди.

Ахмадjon ТЎХТАСИнов, «Ишонсн» мухбири.

Банк ва миждоз

ТАДБИРКОРГА КРЕДИТ

«Фаллабанк» кимларга хизмат қилмоқда ва унинг бош мақсади нималардан иборат? Шу мазмундаги саволларга «Фаллабанк» Наманган вилоят бўлими бошқарувчиси Зоҳиджон Аскарлов жавоб берди:

«Фаллабанк» вилоят филиали ва туман бўлимлари 260 та юридик мақомага эга кичик ва ўрта бизнес вакилларига, 86 та деҳқон ва фермер хўжалиқларига, 91 нафар хусусий тадбиркорларга, жами 686 та миждозга хизмат кўрсатмоқда. Маълумки, халқимиз азал-азалдан хунармандлиги, ҳар соҳада тадбиркорлиги билан ном чиқарган. Ахир Самарқанд ва Бухородаги осмонўпар бинолар, дунёда биринчи бор яратилган Самарқанд қозғоноқ чинни буюмлар, шохи атлас матолару ҳамда уй-ўрзор анжомлари бунинг далили эмасми? Шуру тузуми хунармандларимиз фаолиятини чеклаб, орзу-интилишларини жиловлаб қўйганми? Ўзбекистонимиз озодлиги шундай қобилият эгалари қалбига қайтадан чўг ташлади ва бу борадаги интилишларига қанот бағишлади. Шу кунда биргина бизнинг вилоятимизда юзлаб ишбилармонлар ва тадбиркорлар фаолият кўрсатаётган, уларнинг эзгу ният йўлида сарфлаган куч-ғайрати самараси эл-юрт равнақи, Ватан тараққиётига хизмат қилмоқда. Банкимиз эса уларни маблағ томонидан қўллаб-қувватламоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида банк ўз маблағи ҳисобидан юридик мақомага эга кичик ва ўрта

Учқўрғон бўлими 12 нафар миждозга 2030 минг сўм, Поп бўлими 3 нафар миждозга 3.600 минг сўм кредитлар ажратди. Бундан ташқари, банкнинг вилоят филиали томонидан «Биродар» хусусий фирмасига автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадларини кўзлаб 1.200 минг сўмлик микрокредит берилди. Бу кредит ҳисобидан миждоз 3 та қўшимча иш ўрни ташкил этди ва йилга 5280 минг сўмлик автомобил эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқаришга қўлланаётган. 1.320 минг сўм фойда қўришни мўлжаллаган.

Лекин ҳар тўқисда бир айб, деганларидек, ишимиз силлиқ боряпти, деб айтишга ҳали эрта. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи юридик шахслар ва хусусий тадбиркорлар сафи ортиб бораётганлигига қарамаддан бюджетдан ташқари фондларда маблағлар етишмаслиги ва банкаримиздаги кредит захиралари чегараланганлиги боис улар талабини тўла-тўқис қондиришининг уйдасидан чиқа олмаяпти. Масалан, бугунги кунда банкимиз томонидан кўриб чиқиб маълум қилган ва «Бизнес-фонд» вилоят бўлимига жўнатилган 19 та лойиҳа маблағ етишмаслигидан нават қутмоқда. Ана шу муаммолар юқори ташкилотлар томонидан ҳал этилса айни мuddо бўларди.

Сухбатдош: Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.

Ислоҳот йўлидаги ров

ФЕРМЕР ҲАҚИНИ КИМ ТўЛАЙДИ?

Жарқўрғон туманида бўлганимизда «Оқтепа» жамоа хўжалиги ҳудудидаги Улуғбек номли деҳқон хўжалигининг иш фаолиятини оддий одамлардан тортиб, туман ҳокимлигидаги мутасаддиларгача мақташди. Айниқса, унинг раҳбари Собир Жумаев номига илқ гаплар айтилди.

Хўжаликнинг 55 гектар ери мавжуд. Ўтган йилда шунинг 25 гектарига галла, 30 гектарига чигит экилди.

— Пахтадан 108 тонна ўрнига 123 тонна топширдик. Режа 110 фоиздан ошиб кетди. Фермер хўжалигимизда чорвани ҳам ривожлантиряяптимиз. Дастлаб, 20 та бузоқ сотиб олдик. Чорва учун бино қурдик. Қорамоллар 180 бошга етди. Қунимизга чорваимиз яряпти. Ахир 40 нафарга яқин ишчи-хизматчининг меҳнатини қадрласак, бўлмайди.

— Ўтган йилги галладан 845 минг сўм, пахтадан 4 миллион 762 минг сўм даромад олдик, — дейди хўжалик раҳбари. — Лекин туман дон ва пахта очик турдаги хиссадорлик жамиятларидан пулларимизни ололмаётимиз. Қизиғи шундаки, ҳар иккала хиссадорлик жа-

мияти ҳам шартнома билан бевосита биз билан эмас, балки туман деҳқон-фермерлар уюшмаси билан тузган. Шунинг учун биз уюшмамиз раиси Усмон Исмаилов ва бош ҳисобчиси А.Раҳмоновларга бир неча марта мурожаат қилдик. Улар «хлопзавод» ва «заготзерно» пул бермапти дейишмоқда. Бунинг устига ўғит, солярка, бензин фондимиз ҳам йўқ ҳисоби. Жорий йил учун 40 гектар ерга галла, 10 гектар ерга чигит, 4 гектар ерга қартошка, 1 гектар ерга эса беда экидик. Буларнинг ўзи бўлмайди.

— Собир ака, нима чап ёнингиз билан турганмисиз, нукул, бизни ёмон отлик қиласиз. Сизларга айтганман-ку, уюшмамизнинг туман пахта очик турдаги хиссадорлик жамиятида 60 миллион сўми бор деб. Келади, оласиз, — дея ўзини оқлаган бўлди уюшма бош ҳисобчиси А.Раҳмонов.

Наҳотки, уюшма мутасаддиларининг тадбиркорга муносабати шу бўлса. Ахир, фермер ҳақ-хуқуқини улар ҳимоя этмаса, бошқа кимдан наҳот кутиш мумкин.

Р.РУСТАМОВ.

Болалар оромгоҳлари мавсумга шайми?

Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгаши вилоят ҳокимлиги билан қабул қилган қўшма қарорга мувофиқ «Соғлом авлод йили»да жиж-захлик болалар ва ўсмирларнинг ёзги дам олишини ташкиллаштиришга алоҳида аҳамият берилди. Эътиборлиси шундаки, жорий йилда болаларнинг шаҳардан ташқари оромгоҳларда мириқиб хордик чиқаришларига имконият бир қадар кенгайтирилди.

Мухбиримиз Абдуманноп Азимовнинг вилоят касаба уюшмалари Кенгаши бўлим мудир Собиржон Мамадазизов билан суҳбати болаларнинг ёзги дам олишини ташкилий жиҳатдан қай даражада таъминланаётгани хусусида бўлди.

«Соғлом авлод йили»да болаларнинг ёзги дам олишини ташкиллаштиришда ўзига хослик нимада акс эта-япти?

— Аввало вилоят ҳокимлиги билан касаба уюшмалари вилоят Кенгаши яқинда бу борада қўшма қарор қабул қилганлигини таъкидламоқчиман. Мазкур қарорда вилоятдаги мутасадди корхона, ташкилот, муассаса раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари зиммасига тегишли вазифалар юкла-ниб, уларнинг бажарилиш мuddатлари аниқ белгилан қўйилди.

Болаларнинг бу йилги ёзги дам олишини ташкиллаштиришдаги ўзига хослик шундаки, бу йил шаҳар ташқарисидаги оромгоҳлар кўпроқ болаларни қабул қилишга ёришамиз. Масалан, ўтган йили шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларда 3610 нафар болалар ва ўсмирлар дам олишган бўлса, бу йил 5100 нафар ёшлар хордик чиқариш имконияти мавжуд. Ахир болаларнинг Бахмал, Зомин, Фориш, Галларол, Жиззах тоғлари бағрида жойлашган баҳаво, сўлим масканларда хордик чиқаришларига не етсин.

Вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази «Ходимларнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳар бир оромгоҳда маънавият ҳоналари ташкил этилиб, улар Президентимиз И.Каримов асарлари билан бойитилмоқда.

Болаларнинг бу йилги ёзги дам олишлари учун 65 миллион сўмлик маблағ зарур бўлади. Вилоят ҳокимлиги ҳамда касаба уюшмалари Кенгаши ўртасида тузилган

ҳўжалиги бошқармаси тасарруфидеги Ш. Рашидов номли болалар оромгоҳи ичкилик суви билан таъминланмаган, электр печлари ишламайди. Яқинда ўтказилган комиссия ййгилишида ана шу каби камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

Мақтаблар қошида бу йил 28 та ана шундай оромгоҳлар ташкил этаямиз. Уларда 2500 нафар ёшлар сўми маҳаллий бюджетдан ажратиладиган

МУАММО ЕЧИМИНИ КУТАДИ

бўлди. — Вақт тигизлашиб бораёпти. Болалар оромгоҳларини мавсумга шайлаш аҳволи ҳақида тўхталсангиз.

— Бугунги кунда ўз тасарруфида болалар оромгоҳлари бўлган ташкилот, корхона ва хўжалиқлар раҳбарлари масъулиятини тўла ҳис қилган ҳолда таъмирлаш ишларига тўлиқ киришганлар. Оромгоҳларга олиб борадиган йўллар таъмирланмоқда. Айниқса, вилоят газлаштириш бошқармаси, «Қўйтошкон», «Жиззахтелеком» шўъба корхонаси, Зафаробод туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси сингари жамоалар таъмирлаш ишларини поёнига етказиш арафасида туришибди.

Айтиш мумкинки, тоғ ён бағирларидаги мавжуд 18 та оромгоҳларнинг барчасида таъмирлаш, сошлаш, ободонлаштириш ишлари жадал сурьатларда олиб борилаёпти. Бу оромгоҳларнинг барчаси уч босқичда болаларни қабул қилиши мўлжалланган.

Бу борада камчиликлар ҳам йўқ эмас. «Пахтакор» пахта тозалаш корхонасига қарашли «Наврўз» болалар оромгоҳида чойшаб, кўрпа, ёстиқлар етишмайди, идиш-товоқлар деярли йўқ ҳисоб. Кроватлар ва мебеллар эскириб, яроқсизланиб қолган. Шунингдек, Жиззах туман қишлоқ ва сув

ри, Дўстлик, Зарбдор туманлари мактаблари қошида ташкил этилаётган оромгоҳлар бугунги кун талабига жавоб бера олади.

Таъкидлаш керакики, ҳали вилоятимизда мактаб ўқувчилари ва ўсмир ёшларнинг ёзги дам олишини ташкиллаштириш, дам олувчилар сонини янада ошириш, уларга мавсумда етарлиқ шарт-шароит яратиб беришда ечимини кутаётган муаммолар борки, буларни ҳал этмасдан туриб бу муҳим ишни давр талабига мос равишда амалга ошириш мушкул. Бунда мактаблар қошидаги оромгоҳлар ҳам барибир ўз аҳамиятини йўқотмаслиги аниқ. Бу борада биз албатта маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда тадбиркорларнинг беминнат итисодий кўмағига эҳтиёж сезиб тура-миз.

Жорий йилда вилоятимиз бўйича 7600 нафар болалар ва ўсмирлар турли оромгоҳларда бўлишиб, саломатликларини мустаҳкамлашди. Бугунги кунда олдимизда турган асосий вазифа уюшмалари Федерациясининг III қурултойида алоҳида таъкидланганидек, ҳар бир ходим ва унинг ҳар бир оила аъзосини соғломлаштиришга алоҳида эътибор беришдан иборат.

МАҲАЛЛА БИЛАН ҲАМКОРЛИК

«Маҳалла зиёси» республика ўқув-услубий марказида «Маҳаллада тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес» мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди. Тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, кўмита ва уюшмалар, жамғармаларнинг вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллалари вакиллари иштирок этди. Уни республика «Маҳалла» жамғармаси раиси Ш.Жалилов бошқарди.

Семинарда кейинги вақтда маҳаллаларда тадбиркорлик сезиларли ривожланаётганига қарамай, ҳали бу борада ўз ечимини кутаётган кўплаб муаммолар мавжудлиги қайд этилди. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятда тутган ўрни ва нуфузи тобора ошиб бораётган бугунги кунда уларнинг мулкий асослари, маблағ билан таъминланиши шундай муаммолар сирасига кириди. Бу соҳада ҳуку-матимиз томонидан чиқарилган қарор ва фармойишларнинг изчил амал қилишига эришилмапти. Ҳаттоки, маҳалла ахлининг эҳтиёжларини қондириш учун бунёд этилган маҳалла гузарлари ўзларининг асосий вази-расини бажармапти-маҳалла ахли манфаатлари-га эмас, кимларнингдир ёки қандайдир ташкилотларнинг шунчаки даромад манбаига айланиб қолмоқда. Маҳаллага ҳимийлик қилувчи мулкдорлар, унга молиявий томондан ёрдам берувчи корхоналар тобора камайиб бормоқда.

(ЎЗА).



Манзура Сайдахмедова Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги I-болалар бўлими бошлиғи, соҳа фидойиси сифатида танилган. Унинг бой тажрибаси, ташкилотчилиги ёш шифокорларга намуна бўлмоқда. Қўли енгил шифокор кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида қанчадан-қанча жажилар дардига малҳам бўлди.

Д. АҲМАД олган сурат

Долзарб мавзу

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан бунён барча соҳада катта ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Айниқса қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш бугунги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада кўпгина қишлоқларда хайрли ишлар амалга оширилди. Ҳатто, энг чекка қишлоқларда ҳам маънавий хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатмоқда. Табиий газ, тоза ичимлик суви кириб бормаган хонадон камдан-кам. Ана шуларни кўриб насиб этса бизнинг қишлоқ ҳам замонавийлашиб қолади деб умид қилаётган «яккабоғликлар» ўзларидан ўтганини ўзлари билишмапти.

Шўрчи тумани марказидан 3-4 чакирим ичкарида «Совжирон» жамоа хўжалиги бор. Хўжаликнинг ҳоқ ўртасида Яккабоғ қишлоғи ястанган. Бу ердаги 535 хонадонда 2453 нафар аҳоли истиқомат қилади. Қишлоқ одамлари одми, ҳалол. Айниқса, раҳбарлар юзига тик қарашолмайди. Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, туманининг икки собиқ ҳокими Э.Шерматов ва Ш. Мирзаевлар 4-5 йилдан ишлашган бўлишса-да, «Яккабоғ»га келиб одамлар билан учрашишни ўзларига эп қўришмади. Хўжа-

нуқталари иши яхши йўлга қўйилмаган. Кексаю ёш билан учрашсангиз, улар босиқлик билан жавоб беришади. Саксон ёшли отахон дейди: — Энг аввало, аҳоли эҳтиёжи учун ҳаводек зарур бўлган тоза ичимлик суви йўқ. Бир ярим йил аввал уни тўхташиб қўйиш-гани сабабини ҳеч ким тушунтириб беролмайди. Одамлар, бир-бирининг

ЎГАЙ ҚИШЛОҚ

ликка раҳбарлар келиб-кетгани билан одамларга меҳрибонлик қилади, уларнинг яхши яшашини учун шароит яратай дейишмапти. Бари режани бажариш керак, деб кўп уқтиришади-ю, ўша режани қойилмақом қилганларга эътибор кўнғиди-дек бўлмади. Лекин, мазкур қишлоқ одамлари у қандай бўлмасин - ўз «Яккабоғ» лари билан фахрланадилар. Аслида бу ҳудудда ҳаммом, клублар, маънавий хизмат

«Яккабоғ» маҳалла фуқаролар ййғини раиси Холбўта Курбоннинг ушбу масаладаги фикри қуйидагича: — Учрашмаган одамимиз қолмади. Биз раҳбарларга клуб, кино-театр, сайлгоҳ қуриб беринглар деяётганимиз йўқ. Ўзимиз ташкиллаштирган ишларимизни ривожланишига кўмак сўраяпмиз, халос.

— Қишлоғимизда йиллик мақтабнинг 4 хонадон иборат синфхонаси бор. Мен, шу ерда 24 йилдан бери бошланғич синф ўқитувчисман, — дейди фидойи педагог. — Кейинги ўн йил давомида гапнинг очиги, мактаб бўлимининг аҳолиси жуда ночор. Аввало, бўлим ҳовлисида ишламайдиган қудуқ минорасининг «савлат тўки» туришига ҳанузгача тушунолмаймиз. Мавжуд синфхоналар талабга мутлақо жавоб бермайди. Қулаш

арафасида турган деворнинг уч жойига таянч берилди. Юқори устунларга ҳам ишонч йўқ. Хоналар қоронғу, чанг, ифлос. Деразаларнинг ярми ямоқ, ярми очик, ярми фанер билан беркитилган. Ўқув қуроллари камчил.

— Туғри, бу мактаб филиалидан хабаримиз бор. — дейди туман халқ таълими бўлими метод кабинетини раҳбари Парда Шоймардонов. — Ўзимиз ҳам ёмғир, қор ёққанида, қаттиқроқ шамол бўлса юрак ҳовучлаб ўтираемиз. Мен бориб кўрганман. Туманда икки ҳоким ишлади. Иккиси ҳам ёрдам қилишмади. Шу боис янги ҳокимдан умидимиз катта.

Хулоса қилиб айтганда, ҳокимлик билан ёнма-ён жойлашган қишлоқда аҳвол ночор. Собиқ ҳокимлар «Яккабоғ»га нега кўз-қирини ташлашмади экан?

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.



Маргилон шаҳри йил сайин чирой очиб, гўзаллашиб бормоқда. Шаҳар марказидаги Йўлдош Охунбобоев номли маданият ва истироҳат боғида кенг қўламли ободонлаштириш — қўлакамзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Бурҳониддин Марғинович таваллудининг 910 йиллиги муносабати билан шаҳарда кенг миқёсда тадбирлар ўтади.

Суратларда: шаҳар ҳокимлиги ер кадастр бўлими мутахассислари иш пайтида.

Бахтиёр ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.



ГУЗАРЛАР КўПАЙМОҚДА

Бугун гузарлар бор маҳалла энг обод, маънавиятли ва маданиятли манзил сифатида тилга олинмоқда. Жиззах шаҳридаги Ҳамид Олимжон номли «Ёшлик» гузарлари донги вилоятдан ташқарида ҳам маълум. Яқинда «Кўтарма» гузарини қуриб битказилди. Эндилкида шаҳардаги гузарлар сонини 29 тага етди. «Кўтарма» гузарини тадбиркор Абдусаттор Маллабоев сармо-яси ҳисобига бунёд этилди. Ариқ ёқаси-

да жойлашган гузар ҳудуди бир гектар майдонни ташкил этади. Гузар қошида маҳалла фуқаролар ййғини, милиция участка ноизири хонаси, халқ банки шохобчаси, маънавий хизмат хонаси, чойхона, ошхона, новохона ишлаб турибди. Энг муҳими, янги қуришлар барпо этилган шарофати билан 30 киши иш билан таъмин этилди.

А. ЭРГАШЕВ.

ШАҲАРЛИКЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Гулистон шаҳрининг йирик турар-жай даҳасида, тўртинчи ва бешинчи мавзёлар туташган жойда ёпиқ бозор қурилиши бошланди. Бу бозорда 250 та савдо растаси ва 30 та дўкандан ташкил топган тижорат мажмуи бўлади.

Объектда қурилиш ишларини 371-

Сирдарё механизациялашган кўчма колонна қурувчилари амалга оши-рмоқда. Бозорни Ўзбекистон муста-қиллигининг тўққиз йиллиги арафа-сида топшириш мўлжалланган.

Тўлқин АҲМАДАЛИЕВ, ЎЗА мухбири.

Мерос

Бурхониддин ал-Марғинович хажон фани ва маданияти таракқиётига улкан ҳисса қўшган олимдир. Алломанинг ижоди серқирра бўлиб, уни ҳаққонга танитган асари «Китоб ал-Хидоя»дир. Унда ислом қонунчилиги масалалари тўла тадқиқ этилган. Ушбу рисола араб тилида ёзилган бўлиб, дастлаб у форс тилига таржима қилинган, форс тилидан инглиз тилига, 1983 йилда инглиз тилидан рус тилига Тошкент шаҳрида ўғирилган.

лар мазҳабининг барча имом исмлари, шунингдек, бошқа мазҳаб вакиллари-нинг мулоҳазалари ҳам асарда кенг талқин этилган. Китобда оила-никоҳ масалалари билан боғлиқ номлар (никоҳ, ажралиш) батафсил ёритилади: уларни бажариш билан

Бурхониддин ал-Марғинович ниҳоятда кенг билим эгаси бўлиш билан бирга ҳақсевар, адолатли, қонун-шунос, ҳадис илмининг до-нишмандларидан бири эди. У Курьонни ёддан билган, уни изоҳлай олган шоир, адабиётчи бўлган. Тарихий қўлёзмаларда қайд этили-

бағот муҳимдир. Асарнинг ёзиллиш услуби шундайки, унда ҳаммага яхши маълум масалалар билан бирга, кам учрайди-ган ҳолатлар, у ёки бу ма-саланинг нозик томонлари, иқир-чиқиргагина изоҳлаб берилади. Ҳозирги давр тили билан айтадиган

ёки от баҳосининг 9 фоизи миқдорда зақот тўла-ниши керак. Аммо эшак, ҳаҷир ва бошқа ҳайвонлар (хўкйи, туя)дан тўлов олин-майди. Агар улар олдиде-соти муомаласида бўлса, аҳвол ўзгаради ва зақот берилмайди. Бир ёшга тўлган эчки, бузоқ ва

лаб этилади. Ундан ташқари, зақотни олдидан ҳам тўлаш мумкинлиги кўрсатилади. Кумуш нарсалардан олинмаган зақотда ўрта-ча нисбат 200 дирҳам деб белгиланган, бундан 2,5 фоиз (яъни 5 дирҳам) зақот олинади. Агар кумуш миқдори 200 дирҳамдан ортқ бўлса, ҳар қўшимча 40 дирҳамдан яна зақот бе-рилади ва ҳоказо.

Табиий (ёмғир, қор суви билан) сугориладиган ерлардаги ҳосилнинг ўндан бир (10 фоизи) ушр шаклида олинади. Аммо ўрмон, яёлов, ча-калакзор зақотдан озод этилган. Сунъий сугори-ладиган ерлар ҳисоби-дан ушрнинг ярми (50 фоизи) миқдорда солиқ тўланади.

Муствақиллик шаро-фати ила алломанинг бой маънавий мероси халққа қайтарилди. Узининг ўлмас асарлари билан ислом қонунчилиги-га асос солган Абул Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдуҷалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғинович Фарғона ви-лоятининг Риштон қиш-логидида таваллуд топиб, у ҳижрий 511-593 (милодий 1115-1197) йиллари яшаб ижод этди. Бўла-жақ олим илк таълимни Риштон, Марғилонда ол-ган бўлса, кейинчалик Самарқанд, Бухоро ва Мовароуннахрнинг йирик шаҳарларида билимни оширди. У фикрча оид «Бидоят ал-мубташш», «Нашр ал-Масҳад», «Ки-тоб ат-тажнис», «Ал-ма-зид» каби ноёб асарлар яратди. Эси машҳур аса-ри «Хидоя фи фуруъ ал-

фиқх» («Фикҳ соҳалари бўйича қўлланма»). Бу асар исломда суннийликнинг ҳанафийлар мазҳабида кенг тарқалган шариат қўлланмаси, яъни кодекси ҳисобланади. Фикҳ соҳасида китоб ёзиш ҳаракати илгари ҳам бўлган, 1048 йилда вафот этган Абул Ҳасан ал-Кудурий ислом қонунчилиги бо-расида илк қўлланмани ёз-ган, аммо Бурхониддин ал-Марғинович яратган «Хидоя» ўз даврида хана-фийлар мазҳаби тарқалган мамлакатларда, хусусан, Марказий Осиё, Шимолий Кавказ ва Волга бўйи му-сулмонлари орасида асосий қўлланма сифатида шухрат топган. Бу асар 4 жилд, 56 бобдан иборат. Унда Курьонни қарим оят-ларидан келиб чиқиб ша-рият масалаларида муал-лифнинг фикр ва хулоса-лари берилади. Ханафий-

боғлиқ ҳуқуқий қонун-қоида ва жазо чоралари бел-гиланган. Асарда ислом нуқтаи на-заридан ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий масалалар: мулкий ва молиявий муно-сабатлар, айниқса мерос, уни бўлиш йўллари, жино-ят ва жазо, фуқаролик ҳуқуқлари ҳам кўрсатиб бе-рилган. Шунингдек, фақат исломга хос бўлган бир қанча масалалар, хусусан, жиҳод, ўлжа олиш ва уни тақсимлаш, турмуш фаоли-ятидаги айрим таъқиблар, ижозатлар қайд этилган.

шича, олим авлод-аждоди ҳам мусулмонлар қонунчи-лигини яхши билган инсон-лар бўлишган. «Хидоя» асари мусулмон қонунчилигининг барча қирраларини ўз ичига ола-ди ва ниҳоятда кенг тадқи-қот манба бўлиб ҳисоб-ланади. Асарда, айниқса, зақот масаласига катта эътибор берилган, унга махсус бир боб ажратил-ган. Чорва моллари, шах-сий мулк, қон, ер ва бо-шқа мулк шаклларида олинмаган тўловлар юза-сидан айрилган фикрлар

бўлсак, чиқарилган асосий қонунга тўла-тўқис шарҳга ўхшайди. Кимлар ва қанча зақот тўлаши кераклиги ҳақида қизиқ маълумотлар келтирилади. Одатда даро-маднинг қирқдан бир ҳис-саси (2,5 фоизи) ҳисобидан зақот тўлаши керак. Чор-вачилиқда 40 эчкидан бит-таси зақот ҳисобида бе-рилади, мол сони кам бўлса, олинмайди. Зақот тўлашда бир ёшдан кичик қўзилар ҳисобга киритилмайди. Отларда эса бошқача ҳисоб-китоб қилинади, яъни ҳар отдан бир динор

бўтадоқлар ҳам умумий ҳисобга киритилмайди, аммо 25 та туядан битта-си, 66 тадан бошлаб икки-та, 145 тадан ортигидан учта туя зақот ҳисобида бе-рилиши керак. Шу ерда муҳим бир фикр борки, агар мол эгаси шу молнинг (натур) ўрнига унинг бу-хосига тенг зақотни пул шаклида тўлаши ҳам мум-кин, дейилади. Яна муҳим бир кўрсат-ма диққатга сазоворки, за-қот йиғувчи энг яхши (сара) молни эмас, ўртача баҳодаги молни олиши та-

Олтидан олинмаган зақот миқдори ўзига хо-сдир. 20 мисқолга зақот олинмайди, 20 мисқолдан ярим мисқол (2,5 фоиз) за-қот тўланади. 20 мисқол-дан ортқ ҳар 4 мисқолдан 2 карат, (яъни 1/12 ун-ция) зақот бериши керак. Шахсий, хусусий мулк ҳисоб-китоби кумуш ёки эквивалентига қараб бел-гиланади. Ҳатто кумуш ва олтин ҳам умумий баҳо асосида ягона қийматга келтирилиши керак. Топилган қон хазина учун бешдан бир (20 фоиз) зақот олиниши лозим. Ма-салан, бирор ердан ёки экин экилаётган жойдан хазина топилса, шу усул-дан фойдаланилади. Ким-табҳо тошлардан зақот тўланмайди, чунки тошлар зақотдан мустваснодир.

Бурхониддин ал-Мар-ғинович ўз асарида за-қотни тақсимлаш қонун-қодаларини ҳам баён этди. Аҳолининг айрим тоифа вакиллари: фақир, мискин, зақот йиғувчи-лар, қарздорлар йиғил-ган зақотдан фойдала-ниш имкониятлари ҳақида ҳам қийматли фикрлар билдирилган. Уйлаймики, бобало-нимизнинг бу асари ниҳо-ятда бой ва қийматли манба сифатида олий ўқув юрларида ўқитилиши зар-ур. Шундай қилинса, айни муқддо бўлур эди. Чунки у ёшларимиз қалбида ин-соф ва дёнёт, адолат ва ҳақиқат туйғуларини уй-ғотишда бебаҳо хазина бўлиб хизмат қилиши шуб-ҳасиздир.

Абдуҷалил РАЗЗОҚОВ, профессор.

АДОЛАТ ВА ҲАҚИҚАТ ТУЙҒУСИНИ УЙҒОТДИ

БУРҲОНИДДИН АЛ-МАРҒИНОНИЙНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ

УНУТИЛМАС УЧРАШУВ

Шу кунларда мамлакатимиз ҳар бир гўшасида пиру ба-даллат отахон ва онахонлар, уруш ва меҳнат фандалари иштирокида аjoyиб тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Пойтахти-мизнинг Мирзо Улугбек номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган «Қариси бор уйнинг париси бор» мавзу-идаги адабий-музикаий анжуман ҳам шундай тадбирлар-нинг бири бўлди. Кеча ташкилотчилари Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Чилон-зор тумани ҳокимлиги бўлди. Юртимизнинг таниқли санъат-корлари, шоир ва ёзувчилари тобора яқинлашиб келаятган Хотира ва қадрлаш кuni билан бир пиёла чай устида қария-ларимизни кутлаб, ўз музикаий дастурларини намойиш этди. «Нуроний» жамғармаси раиси ўринбосари Эркин Ҳайитбоев кекса авлоднинг бугунги ёруғ кунларимиз йўлида чеккан зах-матлари ва қилган меҳнатлари доимо халқимиз ва ҳукумати-миз диққат-эътиборида эканини таъкидлади. Утказилган тад-бир Хотира ва қадрлаш кuni халқимизни янада бирлашти-рувчи, унинг иродасини бақувват, иймонини бутун қилувчи санага айланаб бораётганини яна бир бор намойиш қилди.



Термиз шаҳар ўқувчилар Саройи муствақилликнинг илк иншоотларидан бири. Ушбу маскан педагогик жамоаси ёш авлоднинг ҳар томонлама ка-молотга эришиши ва дунёқа-рашининг шаклланишини таъ-минлаш мақсадида аниқ режа асосида сидқиқилдан меҳнат

ҚАДИМГИ МИСРЛИКЛАР

қурум ва мой қоричма-си билан ўзларининг па-пирус қоғозларига хат битишган. Милoddан 2,5 минг йил илгари қадим-ги хитойлар ҳам худди шундай «сиёх»дан фой-даланишган. Европада сиёх нисбатан анча кей-ин пайдо бўлди. Милod-дан аввалги III асрда Греция ва Римда пурпур (қизил бўёқ) ва киноварь минерали аралашмаси-дан сарой доирасида ишлатилмаган қизил сиёх ҳосил қилиниб, у билан фақат давлат

СИЁХ ТАРИХИДАН

хужжатларига битил-ган. Император бу сиёхдан сарой ташқариси-да фойдаланишни ўлим ҳазоси билан ман эту-вчи фармон чиқаради. Бу сиёхлар махсус қо-ровулар муҳофазаси о-стида аниқланган. Кейин-чалик сиёхнинг бутунлай бошқа хили кенг тарқ-алди. Дастлабки қора сиёх пайдо бўлди. Ундан ёзув ва рассомчиликда кенг фойдаланилди. Қадимги Римнинг Плиний ва Витрувийга замондош бўлган рас-сомлари ҳў мевалар-нинг данаклари, тоқ занглари, юмшоқ да-рахт ёғочлари, курум ва писта кўмирдан сиёх тайёрлашган. Ораддан ўз йил ўтга, ошловчи ўсимликлар пўстлоғи қайнатмасидан сиёх тайёрлаш омма-лашди. Қадимги Русда сиёхнинг бу икки хили амалда қўлланди ва улар тегишлича «исли сиёх» ва «қайнатмали сиёх» деб номланди.

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

(8—14 МАЙГАЧА)

КҲЙ (21 март — 20 апрел). Ушбу ҳафтанинг бошида катта наф кел-ин пайдо бўлди. Милod-дан аввалги III асрда Греция ва Римда пурпур (қизил бўёқ) ва киноварь минерали аралашмаси-дан сарой доирасида ишлатилмаган қизил сиёх ҳосил қилиниб, у билан фақат давлат

ваффақиятли яқунланади. Сешанба кuni сафарлар-дан воз кечганингиз, жи-лла бўлмаса туғилиб ўсган шаҳрингизнинг бирор жойига бориш билан чек-ланганингиз маъқул. Маз-кур ҳафтада севган ки-шингиз билан муносаба-тингиз янги босқичга кўта-рилади... Буни шанба кuni ҳис этасиз. **БОШОҚ (24 август — 23 сентябрь).** Сузамолли-гингиз туфайли сешанба кuni амалий мулоҳазалар-да сизга омад кулиб бо-қади. Чоршанба ва пай-шанба кунлари иш қоғоз-ларини расмийлаштириш-ни маслаҳат берамиз. Дам олиш кунлари ижодий фа-оллик кутилмоқда. **ТАРОЗИ (24 сентябрь — 23 октябрь).** Ушбу ҳафтанинг бошида сизни тур-ли кўнғилочар томошалар-га таклиф этишади. Чор-шанба кuni бировга те-гишли муаммони ҳал этиш-га анча вақт сарфлашин-гизга тўғри келади. Мабо-до кўчмас мулк билан бо-ғлиқ тадбирга киришмоқчи бўлсангиз бунинг учун жума ва шанба қўлай кун-лардир. **ЧАЕН (24 октябрь — 22 ноябрь).** Ҳафта иш жой-ингиздаги кўнғилсиз низо билан бошланади. Пай-шанба кuni моддий ютуқ руҳингизни кўтариб юбо-ради. Мазкур етти кунлик ишқий саргузашт билан яқунланади. **ЁЙ (23 ноябрь — 21 де-кабрь).** Ҳафтанинг боши-да қоғозларни расмий-лаштириш билан боғлиқ юмушларни ниҳоясига ет-

казасиз. Сешанба ва жума кунлари бошлиқ-ларнинг кўзига кўринма-ганингиз маъқул. Пай-шанба кuni баракали меҳнат қиласиз ва бун-дан аввалги ҳафтадаги фаолиятингиз учун тақ-дирланасиз. **ТОҒ ЭЧКИСИ (22 де-кабрь — 20 январь).** Рўзгор ташвишлари би-лан иш жойингизда ҳам банд бўлишингизга тўри келади. Сизнинг гоёла-рингиз ҳамкасбларингиз томонидан пайшанба, жума кунлари қўлаб-қувватланади. Дам олиш кунлари саломатлигин-гизни тиклашга вақт аж-ратинг. Имконият туғили-ши билан шаҳар ташқари-сига табиат бағрига отланинг. **ҚОВГА (21 январь — 19 февраль).** Ҳафтанинг бошида хизматдаги мав-кеингиз яхшиланади. Пайшанба кuni касбин-гиз билан боғлиқ муам-моларнинг юзга келиши келгуви режаларингизга салбий таъсир кўрсата-ди. Бундан асло кўнғил-гиз чўкмасин, чунки дам олиш кунлари ишлар яна жонланиб кетади. **БАЛИҚ (20 февраль — 20 март).** Ушбу ҳафта давомида табиатингизга хос асабийлик ташвиш келтиради. Сиз раҳбар-лар ишончини йўқоти-шингиз мумкин. Ўзингиз-ни қўлга олинг. Ниҳоят аjoyиб баҳор кунлари қалбингизда уйғонган му-ҳаббат туйғулари кучин-гизга куч қўшиб, руҳин-гизни тетиклаштири-

БАРКАМОЛ АВЛОД - ЮРТ ТАЯНЧИ

қилмоқда. Айни пайтда, бу ерда 36 на-фар малакали педагоглар ўқувчиларга таълим беришпа-ти. Бундан ташқари ўқувчилар Саройи ўзининг 300 ўринли томоша ва спорт залига эга. Шу сабабли, бу маскан нафа-қат шаҳар, балки вилоят ва республика миқёсида турли тадбирлар ўтказиладиган бо-лаларнинг оғирлиги даргоҳига айланган. Шунинг учун ҳам, Термиз шаҳар ўқувчилар Саройининг тўғрақ иштирокчилари ўқувчи ёшларнинг республика миқё-сида ўтказиладиган кўлаб тадбирларнинг лауреатлари, диплом ва мукофотлар соврин-дорлари бўлиб келишмоқда. **Суратда: Термиз шаҳар ўқувчилар Саройининг тўга-раги қатнашчилари Севара Қўлбаева, Нафиса Пўлато-ва.** Искандар ХҲЖАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Тож талабгорлари

1867 йили Парижда III Халқаро турнир ўтказилди. Унинг дастлабки иккитаси Лондонда ўтган, бинобарин, па-рижлик шахмат ҳавас-корларининг ушбу му-собақага зўр қизиқиш билан қараганликлари таажубланарли бўлармиди? **Мастерларнинг** партияларини Лон-дондан келган 13 ёшли бола зўр диққат билан кузатарди. У ҳатто юришларни шарҳлашга журъат этар, баъзиларини эса мулоимгина, лекин жиддий танқид қиларди. Ёш шахматчи-нинг исми шарифи Иси-дор Гунсберг бўлиб, у 1854 йилнинг 2 ноябри-да Будапештда туғил-ган. Исидор 9 ёшга тўлганда, оиласи Лон-донга кўчиб келади. Ўғлим катта мастерлар қандай ўйнашини кўрсин деб отаси уни Парижга олиб келган эди.

Париж турнири Гунс-берг жуда ёш чоғидаёқ айтарли шахмат кучига етишганлигининг да-лиллари билан бири бўлган эди, холос. Кат-та бўлгач, у шахмат профессионали йўлини танлашга аҳд қилди. Бирок турнир ва мат-чларда қатнашини кут-иб туришга тўри кел-ди. Гунсбергининг ҳам-еи шунчалик бўш эди-ки, мусобақаларнинг тошқин сувиға қалла ташлашни тақозо қиларди. Ўша вақтларда Ан-глияда яшаган сердаро-мад-немис корчалони Гумделга қарашли шах-мат-автомати «Мефис-тофель»да ўйнашга қилинган таклиф жуда


ямак вақтида рўй берди. 1878 йили Лондон «Аква-риум»ида Гунсбергининг дебюти бошланди. У ойналар билан яши-рилган ҳолда қоронғу-кути ичига букчайганича ўтириб олиб, ричаглар жали мусобақасида 4-ўринни эгаллади. Ўша йили Нюрнберг-даги натижа янада саросимали бўлди: бу ерда у 17-ўрин-ларни баҳам кўрди. Гунсберг мушкул аҳволда қолган эди. У ўттизга қирай деб кол-ди, аммо шахматдан бўлак нарсасга яроқсиз эди. Бирок шахматни ҳам ўртача тушунарди, жиддий шуғулланиш ло-зим деган қарорга ке-лади у.

ГУНСБЕРГ

бу ерда у 17-ўрин-ларни баҳам кўрди. Гунсберг мушкул аҳволда қолган эди. У ўттизга қирай деб кол-ди, аммо шахматдан бўлак нарсасга яроқсиз эди. Бирок шахматни ҳам ўртача тушунарди, жиддий шуғулланиш ло-зим деган қарорга ке-лади у. Орадан икки йил ўтга, Гунсберг Гамбур-даги халқаро турнирда биринчи совринни олиб, йирик муваффақиятга эришади. Сара шахмат-чилар томон бундай сакраш тезда уни маш-ҳур қилиб юборади. Шахматда ўз кучига ишониб жуда муҳим. Гунсберг ўз кучини мат-чларда синаб кўришга қарор қилади. У Блек-берн ва Берд билан бўлган матчларда ютиб чиқади. Кейин Бред-форддаги турнирда (1888 йил) галаба қо-знади. Нью-Йоркда (1889 йил) унчини нати-жа кўрсатади. Бу унинг шахмат фаолиятидаги олтин давр бўлган эди. Бирок у юксакроқни орзу қиларди.

бу ерда у 17-ўрин-ларни баҳам кўрди. Гунсберг мушкул аҳволда қолган эди. У ўттизга қирай деб кол-ди, аммо шахматдан бўлак нарсасга яроқсиз эди. Бирок шахматни ҳам ўртача тушунарди, жиддий шуғулланиш ло-зим деган қарорга ке-лади у. Орадан икки йил ўтга, Гунсберг Гамбур-даги халқаро турнирда биринчи совринни олиб, йирик муваффақиятга эришади. Сара шахмат-чилар томон бундай сакраш тезда уни маш-ҳур қилиб юборади. Шахматда ўз кучига ишониб жуда муҳим. Гунсберг ўз кучини мат-чларда синаб кўришга қарор қилади. У Блек-берн ва Берд билан бўлган матчларда ютиб чиқади. Кейин Бред-форддаги турнирда (1888 йил) галаба қо-знади. Нью-Йоркда (1889 йил) унчини нати-жа кўрсатади. Бу унинг шахмат фаолиятидаги олтин давр бўлган эди. Бирок у юксакроқни орзу қиларди.

(Давоми бор). **МАРОҚЛИ МАШҚЛАР** Иккала этюдда ҳам оқлар бошлаб, дуранг-га эришади.



Ҳаваскор теннисчилар беллашуви

БАЛЛИ, МАТЛУБА!

Тойлоқ туманида «Балли, раислар!» деб номланган ҳавас-кор теннисчилар беллашуви бўлиб ўтди. Туман спорт кўмитаси ҳамда каса-ба уюшмалари жис-моний тарбия ва спорт жамайти том-ридан ташкил этил-ган ушбу стол тенни-си мусобақасида хўжалик, ташкилот ва

корхона раҳбарлари ўзaro куч синашди-лар. Қизиқарли ўтган баҳ-сларда қатнашчилар «олтин тўп»нинг ҳақиқий илхосмандла-ри ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Уларнинг ҳар бир ҳаракати томошабин-лар томонидан қизгин қўлаб-қувватлаб ту-рилди. Ниҳоят, мусо-

бақа сўнггида ҳакам-лар хайъати томони-дан фолиблар аниқ-ланди. Хотин-қизлар ўртасидаги баҳсларда туман ижтимоий таъ-минот бўлими бош-лиги Матлуба Қурбо-нова биринчи ўринга муносиб кўрилган бўлса, эркаклар ўрта-сида эса голиблик ту-ман назорат инспек-цияси бошлиғи Икром

Турсуновга насиб этди. Фолиб ва со-вриндорлар ҳокимлик ҳамда туман касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жа-миятининг қиммат-баҳо совгалари билан тақдирланди. «Агросаноат мажлум ҳо-димлари уюшмаси Тошкент шаҳар кўмитаси «Удавсув-лойиҳа» институти директо-ри Юлиан Шукүровчи Гаса-новга ўғли **Андрей ГАСАНОВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир **Мирғиёс ҚАЮМОВ**
Таҳрир хайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Раёулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари - «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибалик 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Мақолима: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газета 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Офсет усулида босяди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий алади 14,002 нуска. Сотуида эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси, Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти 21.00
Топширилди 23.00